

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЮЛДАШЕВА ДИЛЧЕХРА ЮСУПХОНОВНА

**ЭНДОМЕТРИЙДА ГИПЕРПЛАСТИК ЖАРАЁНЛАР МАВЖУД
АЁЛЛАРДА БАЧАДОН БЎЙНИ ПАТОЛОГИЯСИНИ ЭРТА
ТАШХИСЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Юлдашева Дилчехра Юсупхоновна

Эндометрийда гиперпластик жараёнлар мавжуд

аёлларда бачадон бўйни патологиясини эрта

ташхислаш ва олдини олиш..... 3

Юлдашева Дилчехра Юсупхоновна

Ранняя диагностика и профилактика патологии

шейки матки у женщин с гиперпластическими

процессами эндометрия 25

Yuldasheva Dilchehra Yusuphonovna

Early diagnosis and prevention pathology cervical cancer

in women with endometrial hyperplasia..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 50

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЮЛДАШЕВА ДИЛЧЕХРА ЮСУПХОНОВНА

**ЭНДОМЕТРИЙДА ГИПЕРПЛАСТИК ЖАРАЁНЛАР МАВЖУД
АЁЛЛАРДА БАЧАДОН БЎЙНИ ПАТОЛОГИЯСИНИ ЭРТА
ТАШХИСЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib29 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифасининг www.tashpmi.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Нажмутдинова Дилбар Камаритдиновна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Негмаджанов Баходур Болтаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Арипов Абдумалик Нигматович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Москва вилояти акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти (Россия Федерацияси).

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017. Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Докторлик (DSc) диссертацияси билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (-сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. В. Алимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

Э. А. Шамансурова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А. М. Шарипов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда репродуктив ёшдаги аёллар орасида папиллома вируси ва гиперэстрогенизм бачадон бўйни саратони (ББС) ривожланишининг асосий сабаби бўлиб, касаллик ва унинг асорати натижасидаги ўлим даражаси 75% ташкил қилади. 2020 йилда ўсма касалликлари дунё бўйича икки баробар кўпайиши, яъни 20 млн гача, ўлим оқибати 6–12 млн ташкил қилиши башорат қилинмоқда. Жаҳонда максимал касалланиш 65–69 ёшда қайд этилиб, 100000 нафар аёлга 68,7 ҳолатни ташкил этади. 20–25% ҳолатда касаллик репродуктив ёшда, 5%да 40 ёшгача бўлган аёлларда ташхисланади¹.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими тубдан янгиланди, касалликларни эрта тахислаш ва асоратларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратиш бугунги кунда тиббиётнинг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу борада кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилди. Репродуктив ёшдаги аёлларда саратон касаллигини юзага келтирувчи ҳавф омилларини аниқлаш, замонавий асбоб-ускунлар ёрдамида тизимли даволаш ўтказилишига қарамасдан, охириги ўн йилликда бачадон бўйни саратони 12%га, эндометридаги гиперпластик жараёнлар эса 8%гача кўпайганлиги аниқланди. Турли юкумли ва одам папиллома вируси касалликларини бирламчи бўлин даражасида аниқлаш ва профилактикасини амалга ошириш учун скрининг марказлари филиалларини ташкиллаштириш ва репродуктив ёшдаги аёлларни оммавий барвақт скринингини ўтказиш даврий равишда амалга ошириш зарурлигини тақоза этмоқда².

Жаҳонда эндометрида гиперпластик жараёнлар мавжуд аёлларда бачадон бўйни патологиясини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда, бу борада, ўсмир-қизларда бачадон бўйни саратони касаллигини олдини олиш мақсадида эмлашни ташкил этиш асосланган, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини сақлаш мақсадида скрининг тизимида жалб қилишни такомиллаштириш, репродуктив ёшдаги аёлларни скрининг йўлини оптимал тактикасини танлаш, бачадон бўйни патологиясини келтирувчи ҳавфли омилларни олдини олиш тизимини ишлаб чиқиш, эндометрий гиперплазияси ва бачадон бўйни патологияси асоратларни камайтиришга қаратилган алгоритмни ишлаб чиқиш, эрта жинсий ҳаёт тарзи аёлларда ҳавфли омил эканлигини тарғибот қилиш; одам папиллома вирусини тарқалишини олдини олиш механизминини ишлаб чиқариш, аёлларнинг туғилгандан то кексаликгача бўлган даврида уларнинг соғлиғи ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш каби алоҳида

¹ World Health Organization – Cancer Country Profiles, 2014.

² 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси

аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги ПҚ- 2133-сон қарори билан тасдиқланган «Соғлом бола йили» давлат дастури ва 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чоралари ҳақида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866 қарорида аҳолининг онкологик касалликларни олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича халқаро андозалар даражасида ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдамга бўлган талаб-эҳтиёжини амалга ошириш ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³.

Аёлларда эндометридаги гиперпластик жараёнлар бўлган бачадон бўйни патологиясини эрта ташхислаш ва олдини олиш усулларини яратишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Oxford University (АҚШ), University of Washington (АҚШ), University of California (АҚШ), Weill Cornell medical college of Cornell University (АҚШ), University of Pittsburgh cancer Institute (АҚШ), Department of public health Sciences (АҚШ); Medical Research Council (Буюк Британия); Сибир Давлат тиббиёт институти (Россия); Кубан Давлат тиббиёт институти (Россия); Россия халқлар дўстлиги университети (Россия); В.И.Кулаков номидаги Федерал Давлат бюджетдан ташқари акушерлик ва гинекология, перинатология илмий маркази (Россия) ва Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Эндометридаги гиперпластик жараёнлар бўлган аёллар бачадон бўйни патологиясини эрта ташхислаш ва олдини олишга қаратилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: одам папилломаси вируси бачадон бўйни цервикал интраэпителиал неоплазиянинг ривожланиши жадаллаштириши исботланган (Сибир Давлат тиббиёт институти (Россия); цервикал интраэпителиал неоплазияли беморларда маҳаллий иммунитет ҳолати папиллома вируси юқиши билан асоцирланиши асосланган (Medical Research Council (Буюк Британия); топик иммунотроп терапия рекомбинант интерлейкин-1β – лейкинни қўллаш билан мазкур касалликни патогенетик асосланган даволаш усули ишлаб

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://oxford.university-guides.com>, www.washington.edu, <https://www.universityofcalifornia.edu>, <http://weill.cornell.edu>, <http://upci.upmc.edu>, <http://publichealth.med.miami.edu>, <https://www.mrc.ac.uk>, <http://www.ssmu.ru>, <http://www.ksma.ru>, <http://www.rudn.ru>, <http://patient.ncagp.ru>, <http://www.tma.uz> ва бошқа манбалари асосида амалга оширилган.

чиқилган (Кубан Давлат тиббиёт институти (Россия); иммуногистохимёвий усул ёрдамида эктоцервиксда эстроген рецепторлари, 16- ва 18-тур папиллома вирусларига нисбатан антитаначаларнинг жойлашиши, апоптознинг P53 ва BCL-2 омиллари, Ki-67 га нисбатан пролифератив фаоллиги аниқланган (Oxford University (АҚШ); гиперэстрогениянинг клиник белгилари ва эктоцервиксдаги молекуляр ўзгаришлар орасида ўзаро боғлиқлиги кўрсатиб берилган (Халқлар Дўстлиги Университети (Россия); иккита энг муҳим E6 ва E7 онкоген оқсиллар аниқланган (Weill Cornell medical college of Cornell University (АҚШ); эндометрий гиперплазияси ривожланишини модифицирланувчи хавфли омиллари ва касалликни ривожлантирувчи гормонал номуносивбликни коррекциялаш зарурати исботланган, беморларни самарали даволашда парҳез, жисмоний машқлар ва тана вазнини камайтиришга қаратилган профилактик тадбирлардан даврий фойдаланиш зарурлиги асосланган (University of Pittsburgh cancer Institute (АҚШ); цервикал интраэпителиал неоплазияли беморларда эндометрий гиперплазиясини ташхислашда апоптознинг аҳамияти кўрсатилган (Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон).

Дунёда эндометрийда гиперпластик жараёнлар бўлган аёлларда бачадон бўйни патологиясини эрта ташхислаш ва олдини олишнинг ўзига хослигини такомиллаштириш бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, эндометрийдаги гиперпластик жараёнлар бўлган аёлларда бачадон бўйни патологиясини келтириб чиқарувчи ирсий омилларини асослаш; цитокольпоскопик ва гистологик белгиларнинг ахборотлилигини исботлаш; биокимёвий кўрсаткичларни гинекология амалиётида баҳолашнинг замонавий механизмларни ишлаб чиқишни такомиллаштириш, эндометрийда гиперпластик жараёнлар бўлган аёлларда бачадон бўйни патологиясини эрта ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда дунё миқёсида ЭГЖ ва ББСни ташхислаш ва даволаш самарадорлиги етарли даражада эмас. Тадқиқотчилар томонидан барча ёшдаги аёллар орасида эндометрий патологиясининг ўсишини (Asmaz G., Munro M.G., Dickersin K., Clark M.A.(2011) ўрганган; ЭГЖ билан 40% гача ёш аёлларда хирургик даволаш амалга оширилиб, бу кўпинча мазкур аёллардаги репродуктив фаолиятнинг йўқолишига олиб келиши 2014 йилда Daya D. томонидан исботланган; эндометрий гиперплазияси 20–25% ҳолатларда ёмон сифатли ўсмалари шаклланишига, ЭГЖ патогенезида прогестерон етишмовчилиги билан бирга қўшилувчи ортикча эстроген стимуляцияси, гормонга боғлиқ бўлмаган пролиферация, яллиғланиш, апоптознинг секинлашуви, патологик неоангиогенез, шунингдек, эндометрийдаги иммун гомеостазнинг бузилиш-лари муҳим аҳамиятга эга. Генлар полиморфизми ЭГЖнинг ривожланишида муҳим ўрин тутди (Пушкарев В.А., 2009). Эндометрий гиперплазиясининг ривожланишида ирсий механизмларни ўрганишга бағишланган аксарият ишлар хорижда амалга оширилган (Бибнева Т. Н., 2001, Ковязин В. А., 2005, Зиганшина М. М., 2012).

МДХ давлатларида бундай илмий-тадқиқот ишлари оз миқдорда бўлиб, улар, асосан, интегрин генлари, теломеразанинг каталитик суббирликлари, ўсиш ва пролиферация омиллари, эстрогенлар метаболизми ферментларини аниқлаш, гомеостазнинг сақланишида пролиферация ва апоптоз жараёнлари координациясининг ўрни катталиги аниқланган (Белушкина Н.Н., Северин С.Е., 2001). Проллиферация омилларининг устунлиги ҳисобига улардаги номутаносиблик гиперпластик жараёнларнинг ривожланишига олиб келади. Апоптоз жараёни ҳам физиологик, ҳам патологик шароитларда муҳим аҳамият касб этиб, мазкур жараённинг пасайиши ва ноадекват кучайиши аъзо ва тўқималарнинг патологик ўзгаришларига олиб келади (Слукина Т.В., 2008).

Ўзбекистонда ЭГЖ ва бачадон бўйни патологиясининг гинекологик аҳамияти борасидаги тадқиқотлар «Республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази»да олиб борилган (Алиева Д.А., 2013) ушбу патология этиологияси ва патогенези бўйича дунё олимлари олиб борган изланишлар қарама-қарши фикрлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Мавжуд скрининг дастурлари самарадорлигини ошириш ва бачадон бўйни касалликларини даволашнинг кам харажат усулларидан фойдаланиш бачадон бўйни онкологик патологияси олдини олиш, учрашини камайтириш имкониятлари ва аёллар саломатлигини сақлашда янги истиқболларни очади. Ўсма шаклланишининг эрта босқичида ёмон сифатли трансформация эҳтимолини кўрсатувчи башорат маркерларини излаш эндометрий ва бачадон бўйни касалликлари патогенезини ўрганишнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Бугунги кунда эндометрийда гиперпластик жараёнлар бўлган аёллар бачадон бўйни патологиясини эрта ташхислаш ва олдини олишнинг ўзига хослигини такомиллаштириш, репродуктив ёшдаги аёлларни скрининг тизимига кеч киритилиши ва касалликнинг ривожланишига олиб келувчи хавфли омилларни ташхислаш тизими яратилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ «Бачадон бўйни патологияси кўшилган эндометрийдаги гиперпластик жараёнлар билан аёлларни юритиш алгоритмининг ташхисий мезонларини ишлаб чиқиш» (2011-2014 йй) амалий грант асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бачадон бўйни патологияси ва эндометрийнинг гиперпластик жараёнлари бўлган аёлларни олиб боришнинг ташхисий ва прогноз омилларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кольпоцитологик ва гистологик текширув усуллари ёрдамида бачадон бўйни патологиясини аниқлаш;

бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиялари билан аёлларда TP53 гени аллел вариантлар ва rs1042522 полиморфизм генотипларининг учраш

тезлигини аниқлаш, шунингдек, касалликнинг шаклланиши ва кечиши билан уларнинг мумкин бўлиш ассоциацияларини аниқлаш;

TNF- α гени rs1800629 полиморфизмининг молекуляр-генетик таҳлилини ўтказиш ва ўзбек популяциясига мансуб аёллар бачадон бўйнида интраэпителиал неоплазиялар шаклланишида мазкур маркернинг аллел ва генотип турлар патогенетик аҳамиятини баҳолаш;

бачадон бўйни патологияси ва эндометрий гиперплазияси бўлган аёлларда апоптоз ва биокимёвий кўрсаткичларнинг ўзаро алоқасини аниқлаш;

эндометрийдаги гиперпластик жараёнлар ва бачадон бўйни патологияси ривожланишининг прогностик ва ташхисий мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси аёллар саломатлиги марказига илк бор мурожаат қилган 18 дан 68 ёшгача бўлган 1680 нафар бемор танланган.

Тадқиқотнинг предмети илмий тадқиқотлар асосида бачадон бўйин патологиясини ташхисий ва прогностик мезонларни такомиллаштиришни асослашда периферик қон, эндометрий ва бачадон бўйни биоптатлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида клиник, кольпоскопик, цитологик, морфологик, молекуляр-генетик, биокимёвий ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

популяцион ажратилган ва эндометрий гиперплазияси ҳамда бачадон бўйни патологияси бўлган беморлар гуруҳлари орасида TP53, TNF- α генлари ва улар ассоциацияларининг аллел ва генотипик турлари учраши тезлиги исботланган;

эндометрийда гиперпластик жараёнларнинг ривожланиши, кечиши ҳамда бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиялари юзага келиш хавфининг 3–4 мартаба ишонарли ошишида rs1042522 TP53 ва rs1800629 TNF- α генларининг икки полиморфизми қўшилишининг аҳамияти исботланган ($\chi^2=6,6$; $P=0,01$; $OR=3,4$; 95% CI 1,278, 9,083);

гиперпластик ва неопластик жараёнларнинг шаклланиши, уларнинг бирга қўшилишида, апоптоз олди ва апоптозга қарши P53 ва Bcl-2 оқсиллари экспрессиясининг кўпроқ ортганлиги аниқланган;

бачадон бўйни патологияси ва эндометрий гиперплазиясининг ривожланишида азот оксиди ва унинг радикали, эндотелин (ЭТ-1), томирлар ўсиш омилининг (VEGF) миқдори ва металлопротеиназалар фаоллиги ошиши билан намоён бўлувчи эндотелий дисфункциясининг ошиши исботланган;

эндометрий ва эндоцервиксдаги гиперпластик ва неопластик жараёнлар билан беморларни дифференциал ташхислаш ва юритиш алгоритми, патологияга мос равишда аёллардаги клиник, инструментал, цитологик ва биокимёвий кўрсаткичлар градация шкаласи ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эндометрий ва эндоцервиксдаги гиперпластик ва неопластик жараёнларнинг ривожланишига мойилликни аниқлаш учун rs1800629 гени G/A полиморфизм генотиби генлари, TNF- α иммун тизимининг етакчи яллиғланиш олди цитокини ва rs1042522 TP53 гени полиморфизмини аниқлаш ҳамда кейинчалик уларнинг бирламчи профилактикаси бўйича комплекс дастурни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

кўрсатилган мойилликни аниқлаш учун апоптоз олди ва апоптозга қарши P53 ва Bcl-2 оқсиллари миқдорини аниқлаш тавсия этилган;

бачадон бўйни патологияси ва эндометрийдаги гиперпластик жараёнларнинг ривожланишига мойилликни аниқлашда ЭТ-1 ва VEGF миқдори ўзгаришининг прогностик аҳамияти асосланган;

эндометрий ва эндоцервиксдаги гиперпластик ва неопластик жараёнлар билан аёлларни дифференциал ташхислаш ва юритиш алгоритми таклиф этилган;

патологик жараён, мазкур беморларни амбулатория шароитларида юритиш, даволаш ва диспансеризациянинг асосий тамойилларига мос равишда аёлларда клиник, инструментал, цитологик ва биокимёвий кўрсаткичлар градацияси шкаласини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги исботланган;

олинган натижаларнинг татбиқ этилиши эндометрий ва эндоцервиксдаги гиперпластик ва неопластик жараёнларни ташхислашнинг эрта босқичида хавfli гуруҳларни шакллантириш, даволаш профилактик чораларини ўтказиш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий изланишда қўлланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи клиник, молекуляр-генетик, морфологик, кольпо-цитологик, биокимёвий ва статистик усуллар билан тасдиқланган ҳамда етарли даражада беморларнинг сони, эндометрийда гиперпластик жараёнлар бўлган аёллар бачадон бўйни патологиясини эрта ташхислаш ва олдини олишнинг ўзига хослигини такомиллаштирилганлиги, тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эндометрий ва бачадон бўйнидаги гиперпластик ва неопластик жараёнлар патогенези ҳақидаги тасаввурларни кенгайтиришдан иборат, хусусан, эндометрий ва эндоцервиксдаги гиперпластик ва неопластик жараёнларни индивидуал олдини олиш ва даволашга ёндошувларни ишлаб чиқиш, аёлларни ўз вақтида CIN ривожланиши ҳавfli гуруҳига киритиш, неоплазия ривожланишининг юқори ҳавфи бўлган аёлларда профилактика самарадорлигини ошириш ва даволашнинг самарали усулларини қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти - неопластик жараёнларнинг ривожланишини прогнозлаш учун гиперпластик жараёнлар

ва онкоген генотипларни ташувчи барча аёлларни, албатта, цитологик, кольпоскопик ва гистологик текширувлардан ўтказиш лозим. Саратон олди ҳолатлари ривож-ланишига мойилликни аниқлаш учун TNF- α гени G/A генотиби полиморфизми rs 1800629 ва генлар полиморфизми ассоциациялари, TP53 ўсма ривожланиши супрессорининг мавжудлигига молекуляр-генетик текширувлар ўтказиш ва натижаларини индивидуумнинг генетик паспортига киритиш лозим. Бачадон бўйни патологияси ва эндометрийдаги гиперпластик жараёнлар бўлган беморларда P53 ва Bcl-2 оқсиллари, ЭТ-1 ва VEGF миқдори, металлопротеиназалар фаоллиги ортишини аниқлаш ташхис натижаларини яхшилашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

Бачадон бўйни пато-логияси ва эндометрийнинг гиперпластик жараёнлари ташхисий ва прогноз омиллари такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Эндометрийдаги гиперластик жараёнлар билан аёлларда бачадон бўйни неоплазиясини башоратлаш усули» бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 20150492). Ушбу усул бачадон бўйни патологияси ва эндометрийнинг гиперластик жараёнларини олдиндан аниқлашга имкон берган;

беморларда бачадон бўйнидаги патологик ўзгаришларни олдини олиш ва самарали даволаш бўйича олинган илмий натижалар «Бачадон бўйни патологиясини ташхислаш ва даволашга замонавий ёндашувлар» услубий қўлланма ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 27 апрелдаги 8Н-3/58-сонли маълумотномаси). Мазкур қўлланма беморларда бачадон саратони касаллигига олиб келувчи омилларни, касалликнинг ривожланиш механизми ва эрта ташхислаш чора-тадбирларини имконини берган;

бачадон бўйни патологияси ва эндометрийнинг гиперпластик жараён-лари ташхисий ва прогноз омиллари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, «Республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази» ва Тошкент шаҳридаги 40-оилавий поликлиника тиббиёт амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 27 апрелдаги 8Н-3/58-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этилиши бачадон бўйни CINнинг ривожланиши прогнозини сезиларли яхшилаш, оғир неоплазияларнинг учраш тезлигини 12% га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик

диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та ихтирога патент олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 181 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган; тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бачадон бўйни патологияси, эндометрийдаги гиперпластик жараёнлар (эпидемиологияси, этиологияси, патогенези, ташхисоти, прогнози) ҳақидаги замонавий тасаввурлар**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шундай қилиб, тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда эндоцервиксдаги неопластик ва эндометрийдаги гиперпластик жараёнлар патогенезининг мавжуд ташхисоти, профилактика усуллари афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг «**Эндометрий гиперплазияси ва бачадон бўйни патологиясини баҳолаш методологияси**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи берилган, тадқиқот усуллари баён этилган.

Қўйилган мақсадга эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун тадқиқотлар уч босқичда олиб борилди:

Бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияларининг учраш тезлиги, тузилиши ва хавф омилларини аниқлаш мақсадида тадқиқотнинг биринчи босқичида 18–68 ёш оралиғида бўлган Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси аёллар саломатлиги марказига илк бор мурожаат қилган 1680 нафар бемор текширувдан ўтказилди.

Барча беморлар 3 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳни бачадон бўйни патологияси бўлган 986 нафар аёл, 2-гуруҳни ЭГЖ ва бачадон бўйнининг меъёрдаги цитологик кўрсаткичлари бўлган 78 нафар бемор, 3-гуруҳни ЭГЖ ва цитологик суртманинг патологик натижалари бўлган 111 нафар аёл аёллар олинди.

Назорат гуруҳини ЭГЖсиз ва бачадон бўйнининг меъёрдаги

цитологик кўрсаткичларига эга бўлган 505 нафар аёл ташкил этди.

Барча беморларда кичик тос аъзоларининг УТТ (рақамли ультратовуш тизими DP-7700 MINDRAY), тўлиқ кольпоскопик текширувлар (кольпоскоп «Colposcope Video PATH Welch Allyn», АҚШ), цитологик ва гистологик текширувлар ўтказилди.

TNF- α гени rs1800629 полиморфизмини генотиплаш «Литех» ИИЧТ (Москва) ва «MedLab» ООО (Санкт-Петербург) тижорат компаниясининг локус махсус олигонуклеотид праймерларидан фойдаланган ҳолда дастурланган термоциклерлар CG-1-96 «Corbett Research» (Австралия) ва 2720 «Applied Biosystems» (АҚШ) ёрдамида ишлаб чиқарувчиларнинг кўрсатмалари асосида амалга оширилди. Азот оксиди тизими кўрсаткичлари спектрофотометрик усулда, томирларнинг ўсиш омили, эндотелин-1, металлопротеиназалар ва уларнинг ингибиторлари (ММР-2, ММР-9, ТИМР-1 ва ТИМР-2), P53 ва bcl2 оқсиллари иммунофермент усулда ўрганилди.

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик ишлов функциялари киритилган Microsoft Office Excel – 2012 дастурий пакети ёрдамида Pentium-IV компьютерида ишланди. Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача квадратик силжиш (σ), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m), нисбий кўрсаткичлар (частота, %)ни ҳисоблаш билан параметрик ва нопараметрик вариацион статистика усулларида фойдаланилди. Ўртача қийматларни қиёслаш натижасида олинган кўрсаткичларнинг статистик аҳамияти хато эҳтимоли (P)ни ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони)ни ҳисоблаган ҳолда Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланди. Ишончлилик даражаси $P < 0,05$ га тенг кўрсаткичлар статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Бачадон бўйни патологияси ва эндометрида гиперпластик жараёнлар мавжуд беморларнинг клиник-лаборатор текширув натижалари**» деб номланган учинчи бобида 1680 нафар аёлнинг клиник-лаборатор текширув натижалари, сабаб-оқибат алоқаларини аниқлаш учун мазкур беморларда бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиялари юзага келиши имкониятлари (OR) ва хавфи (RR)ни ҳисоблаш натижалари келтирилган. Бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиялари ривожланиш хавфи бўлган гуруҳларни аниқлаш учун ишончли статистик усулда эҳтимолли хавфли омилларни аниқлаш натижалари баён этилган. Тадқиқотларга кўра кўпинча бачадон бўйни патологияси 41–50 ёшгача бўлган 1-гуруҳдаги 394 нафар беморда, камроқ ҳолларда–30 ёшгача (275 нафар аёл) ва 31–40 ёшгача (317 нафар аёл) бўлган аёлларда кузатилди. Бачадон бўйни патологиясининг ривожланиши OR ва RR 2-гуруҳдаги 30 ёшгача бўлган аёлларда 0,07 ва 0,09, 31–40 ёшлиларда эса 0,46 ва 0,56 ни ташкил этди, бунда касалликнинг ривожланиш хавфи 40 ёшдан сўнг анча ошди.

Аксарият текширувдан ўтказилган аёллар жинсий ҳаёт тарзини 19–29 ёшдан бошлаганлар. 1-гуруҳни ташкил этган аксарият беморлар жинсий

ҳаётни 18 ёшгача бошлаганлар, эҳтимол, бу бачадон бўйни патологияси ривожланиши учун туртки бўлган бўлиши мумкин. Жинсий ҳаётни бошлаш корреляцион алоқаси 19–29 ёшдаги ($r=0,45$) аёлларда кучсиз бўлди, бошқа ёш гуруҳларида кучли корреляцион алоқа аниқланди (18 ёшгача – $r=0,81$, 30 ва ундан катта ёшда – $r=0,99$). 2-гуруҳнинг жинсий ҳаётни 18 ёшгача бошлаган аёлларида бачадон бўйни патологиясининг ривожланиши OR ва RR 0,77 ва 0,82 ни ташкил этди, 30 ёшдан катталарда эса мазкур кўрсаткичлар энг юқори бўлди – 1,45 ва 1,39.

Ҳомиладорликлар сонини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 3 тагача ҳомиладорлик кўпинча биринчи гуруҳ аёлларида (402 нафар), 4–6 та ҳомиладорлик деярли барча гуруҳларда бир хил учради, анамнезда 7 ва ундан ортиқ ҳомиладорликлар эса кўпинча ишонарсиз даражада 3-гуруҳ аёлларида қайд этилди. Кучли корреляцион алоқа анамнезида 11 та ва ундан ортиқ ҳомиладорлик бўлган бачадон бўйни патологияси бўлган аёлларда ва кўпроқ ($r=0,97$) анамнезида ҳомиладорлик қайд этилмаган аёлларда аниқланди; кучсиз корреляцион алоқа эса 4–6 та ҳомиладорлик бўлган барча гуруҳ аёлларида кузатилди. 3 тагача ҳомиладорлик бўлган 2-гуруҳ аёлларида бачадон бўйни патологиясининг ривожланиши OR ва RR – 0,77 ва 0,85 ни, анамнезида 11 та ва ундан ортиқ ҳомиладорлик бўлган аёлларда эса мазкур кўрсаткичлар мос равишда – 2,86 ва 2,81 ни ташкил қилди.

2- ва 3-гуруҳ аёлларида абортлар сони бўйича кучли корреляцион алоқа аниқланиб, бу ҳолат мазкур аёлларда бачадон бўйни ва эндометрий патологияси ривожланишига олиб келувчи абортдан кейинги шикастланишлар ва гормонал бузилишларни кўрсатади. Тадқиқот натижаларига кўра анамнезда кўп (5 ва ундан ортиқ) туғруқлар кейинчалик ҳам бачадон бўйни ҳамда эндометрида патологик ҳолатлар юзага келишини таъминлаши аниқланди.

Туғруқлар сони таҳлиliga кўра анамнезда ягона туғруқ 1-гуруҳ аёлларининг 12,4% ида аниқланди, бу эса 2- ва 3-гуруҳларга нисбатан мос равишда 2,4 ва 4,6 марта кўпдир. 2–4 туғруқлар билан аёллар сони гуруҳлар бўйича сезиларли фарқ қилмади, 5 ва ундан ортиқ туғруқлар бўлган аёллар сони 2–3-гуруҳларда кўпчиликни ташкил этди.

Пап-суртма натижалари бир марта тукқан аёлларда қолган беморларга нисбатан ишонарли даражада патологик натижага эга бўлди. Эҳтимол, биринчи туғруқ ҳам шикастланиш, ҳам носпецифик юқумли ҳамда одам папилломаси вирусининг (ОПВ)нинг колонизациялашуви ва гениталийларнинг инфицирланишига олиб келади.

ОПВнинг 4 та юқори онкоген турларини ажратиш натижаларидан кшриниб турибдики, асосан, (16/18 ва 31/33) 1-гуруҳ аёлларида кўпроқ учради (1-жадвал): 2-ва 3-гуруҳларга нисбатан – 31/33 – 2,2 ва 1,3 марта мос равишда 16/18 – 2,2 ва 2,5 марта.

Шундай қилиб, текширув вақтида аёлларда ОПВ аниқланиши ҳавотирлик чақириши лозим, чунки ёш ўтиши ва гормонал бузилишларнинг кўшилиши билан унинг агрессияси кучайиши,

кейинчалик ББСнинг ривожланишига туртки бўлиши мумкин. Юқори онкоген турдаги ОПВни ташувчанлик, ОПВ билан инфицирланиш ББСнинг ривожланиши учун зарур, лекин шу билан бирга етарли шарт эмас. Кўпинча аёл организмидаги гормонал бузилишлар дисплазиянинг ривожланишида ОПВ инфекцияси агрессиясини стимулловчи кофакторлар ҳисобланади.

1-жадвал

Ўрганилаётган гуруҳларда ОПВни аниқлаш

| кўрсаткичлар | 1 гуруҳ, n=986 | | 2 гуруҳ, n=78 | | 3 гуруҳ, n=111 | |
|-----------------|----------------|---------|---------------|------|----------------|-------|
| | абс. | % | абс. | % | абс. | % |
| ОПВ16/18 ижобий | 370 | 81,1*** | 42 | 37,5 | 90 | 53,8* |
| ОПВ31/33 ижобий | 328 | 73,0*** | 44 | 33,3 | 81 | 56,4* |

Изоҳ: Фарқлар 2-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишонарли (* – $P < 0,05$, *** – $P < 0,001$)

Папаниколау усули бўйича бўялган суртмалар ўрганилганда ASCUS жавоби, яъни LSILга шубҳа, ижобий жавоб 1-гуруҳдаги 6,4% ва 3-гуруҳдаги 7,2% аёлларда қайд этилди.

HSIL жавоби 1-гуруҳга нисбатан кўпинча 3-гуруҳ аёлларида 9,3 марта кўпроқ кузатилди. 1- ва 3-гуруҳдаги 5 нафар беморда (мос равишда 0,3 ва 1,8%) ясси хужайрали саратон ташхисланди.


Кўп қаватли ясси ва цилиндрсимон эпителийнинг патологик цитологик белгилари аниқланган ҳолда трансформация зоналари ва улардаги патологик ўзгаришларни кольпоскопия ёрдамида аниқлаштирилди. Призматик эпителий эктопияси 3-гуруҳ аёлларида устунлик қилди. Трансформация зонаси охирига етган метаплазия даврида 1- ва 3-гуруҳдаги 15 ва 4,6% ҳолатда; охирига етмаган метаплазия даврида мос равишда 18,2 ва 53,8% аёлларда аниқланди. Бачадон бўйни лейкоплакияси мос равишда 3,7 ва 12,3% ҳолатда кузатилди. Иккала гуруҳнинг учдан бир қисм аёлларида пунктация қайд этилди. Мозаикали кольпоскопик манзара мазкур гуруҳлардаги 44,1 ва 52,3% аёлларда аниқланди. 2 ва 6,1% аёлларда атипик томирлар расми кузатилди. Тадқиқот жараёнида аниқланишича, гиперпластик жараёнлар мавжуд аёлларда фаол равишда эндоцервикс гиперплазияси ривожланади. Кольпоскопияда у турли даражада ривожланган эктопиялар шаклида аниқланди. Қиннинг кислотали муҳити таъсирида ОПВ ва гиперпластик жараёнлар фониди турли ривожланиш даражасига эга метаплазия ва атипиклашув кузатилди.

Бачадон бўйни патологияси ва эндометрийдаги гиперпластик жараёнларнинг қўшилишида бачадон бўйни кўп қаватли ясси эпителийси (КҚЯЭ) тузилишининг ўзига хос хусусиятлари бачадон бўйни биоптатлари ва унинг бўшлиғидан олинган қириндилар бўйича ўрганилди. Пап-суртма ва кольпоскопияда патологик натижалар олинган ҳолда 1- ва 3-гуруҳ аёллари бачадон бўйнидан биопсия олинди. Бачадон бўшлиғи қириндиси 2- ва 3- гуруҳдаги барча

аёллардан олинди. Гистологик текширувлар 1- ва 3-гурухдаги 73,1 ва 47,7% аёлларда CIN 1 мавжудлигини кўрсатди. 14,7% ҳолатда 1-гурух аёлларида CIN 1 ва ўткир учли кондиломаларнинг қўшилганлиги аниқланди. 3-гурухдаги 38,5% аёлда гистологик жавоб натижаси CIN II дан иборат бўлди, 1- ва 3-гурухлардаги 2,1 ва 6,2% аёлларда CIN III қайд этилди. Эндометрийнинг безли гиперплазияси 2- ва 3-гурухдаги 53,4 ва 55,9% аёлларда ташхисланди, безли кистоз гиперплазия эса мос равишда 38,5 ва 44,1% ни ташкил этди. Эндометрийнинг гиперпластик жараёнлари бўлган 3-гурух беморлари бачадон бўйнидан олинган биопсия натижалари трансформация зонаси хужайраларига эстрогенларнинг кучли таъсирини кўрсатди.

Шундай қилиб, гиперэстрогенемия фонида ривожланувчи етилмаган метаплазия ОПВ персистенцияси ва қопловчи эпителий хужайраларида унинг агрессияси кучайиши учун яхши муҳит ҳисобланади ҳамда бачадон бўйнининг саратон олди ҳолатлари ривожланишига олиб келади.

Диссертациянинг «**Бачадон бўйни патологияси ва эндометрийда гиперпластик жараёнларни молекуляр-генетик текшириш**» деб номланган тўртинчи бобида бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиялари ривожланишига мойилликнинг ирсий маркерларини молекуляр-генетик текшириш, CINнинг ривожланиши билан TNF- α rs1800629 полиморфизми аллел ва генотипик турларининг бўлиши мумкин ассоциацияларини ўрганиш шуни кўрсатдики, мутант G/A генотиби ($\chi^2=8,8$; $P=0,003$; OR =2,95; 95% CI 1,418, 6,138) ташувчиларида CINнинг ривожланиш хавфи деярли 3 марта ишонарли даражада ошди (1-расм).



1-расм. Ўрганилган гуруҳларда TNF- α гени (G-308A) полиморфизми аллеллари ва генотипларининг тақсимланиш частотаси.

Бу мазкур полиморфизмнинг CIN ривожланиши билан ассоциирланишини кўрсатади. Шунини қайд этиш лозимки, кам учровчи аллел бўйича гомозиготали A/A генотиби текширувдан ўтказилган ҳеч бир гуруҳда

аниқлангани йўқ. Назорат гуруҳида G/G гомозигота генотипининг ишончли юқори даражаси ва текширилган гуруҳларда унинг учраши камайиши мазкур кўрсаткичнинг CIN ривожланишида протектив аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради ($\chi^2 = 7,7$; $P=0,006$; $OR=0,4$; 95% CI 0,1801, 0,76).

ЭГЖ билан аёллар гуруҳида G/A генотиби назорат гуруҳига нисбатан 2,8 марта кўп учради. Мазкур «мутант» генотип мавжуд бўлганда патологиянинг ривожланиш хавфи 4 марта ва ундан кўпроқ ортди ($\chi^2=1,7$; $P=0,0006$; $OR=4,0$; 95% CI 1,764, 9,322). Бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси бўлган аёлларда G/A генотиби частотаси, шунингдек, назоратга нисбатан 1,8 марта юқори бўлди, лекин текширилган гуруҳларнинг камлиги туфайли ушбу фарқ статистик ишонарсиз даражада бўлди ($\chi^2=2,3$; $P=0,1$; $OR =2,0$; 95% CI 0,8323, 5,004).

Салбий генотиплар (гаплотип)нинг кўшилишини аниқлаш учун TP53 ва TNF- α генлари орасидаги ўзаро таъсирни ўрганиш ушбу тадқиқотнинг муҳим босқичи бўлди. Назорат гуруҳида G/G + Arg/Arg ижобий гомозигота генотиплари ташувчилари улушининг ошиши тенденцияси аниқландик. Ушбу ҳол мазкур генотип ташувчиларининг айрим селектив афзалликлари билан боғлиқ бўлиб, улар бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиялари ва эндометрий гиперплазиясининг ривожланиш хавфига нисбатан мустақам-роқ, яъни мазкур генотипик вариантлар протектив таъсирга эга.

Мос равишда 15,4 ва 6,3% ни ташкил қилувчи гаплотип гетерозигота + гетерозигота (+/- / +/-) – беморлар ва назорат гуруҳида энг тарқалган салбий гаплотип ҳисобланади. Кўшилган салбий генотипларни гетерозигота + гомозигота (+/- ва +/+) бир вақтнинг ўзида ташилиши фақат беморлар гуруҳларида кузатилди. rs1042522 TP53 ва rs1800629 TNF- α генларининг икки полиморфизми комбинацияларини таҳлил қилиш натижасида қуйидагилар аниқланди:

rs1042522 TP53 ҳамда rs1800629 TNF- α полиморф локусларининг генлараро ўзаро таъсири эндометрий гиперплазияси ва бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияларининг ривожланиши ва кечишини ишонарли детерминирлайди;

генотипда TNF- α rs1042522 TP53 ва TNF- α rs1800629 ген детерминантларининг мавжудлиги бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияларининг юзага келиши хавфини ишонарли 3,4 марта ошиши билан ассоцирланади ($\chi^2=6,6$; $P=0,01$; $OR=3,4$; 95% CI 1,278, 9,083);


TP53 гени rs1042522 полиморфизми (+/- ёки +/+) салбий генотипининг TNF- α гени rs1800629 полиморфизми G/A гетерозигота генотиби билан кўшилиши популяцияда бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиялари ривожланишининг мустақил хавфли омили ҳисобланади;

бачадон бўйнининг интраэпителиал неоплазияларида rs1042522 TP53 детерминант генлар салбий генотиплари ва rs1800629 TNF- α нинг бирга кўшилиши частотаси эндометрий гиперплазияси бўлган аёллар кўрсаткичларидан 2,1 марта юқори бўлди, яъни салбий ирсий вариантларнинг

кооператив таъсири бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиялари оғирлик даражаси чуқурлашиш хавфини 2,1 марта оширади.

Шундай қилиб, rs1042522 TP53 полиморф локуси rs1800629 TNF- α локуси G/A салбий генотиби билан синергик ўзаро таъсирлашиб эндометрий гиперплазиясини шаклланиши ва бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиялари асоратларини фенотипик ривожланишига таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг «**Бачадон бўйни патологияси ва эндометрийда гиперпластик жараёнлар апоптози ва биокимёвий маркерлари**» деб номланган бешинчи бобда бачадон бўйни патологияси билан беморлар қон зардобадаги ЭТ-1 (а) миқдорини ўрганиш натижалари унинг назоратга нисбатан гуруҳлар бўйича мос равишда 1,1; 1,2 ва 1,6 марта ошишини кўрсатди (2-расм).



2-расм. Турли гуруҳ аёллари қон зардобадаги эндотелин 1 (пг/мл) (а) ва VEGF (пг/мл) (б) миқдори

ЭГЖли беморларда мазкур кўрсаткич янада юқори бўлди ва $0,847 \pm 0,004$ пг/мл гача ($P < 0,001$), ЭГЖ бачадон бўйни патологияси билан кўшилганда эса $1,001 \pm 0,013$ пг/мл гача кўтарилди ($P < 0,001$).

Пролиферация ва неоплазия шароитида VEGF гени экспрессияси ту-файли неоангиогенез ошади (б). У томирларнинг ўсиш омили ҳисобланади ҳамда жароҳат ўчоғига субстратлар ва кислороднинг келишини кучайтиради. Бачадон бўйни патологияси бўлган беморлар қон зардобадаги VEGF миқдорини таҳлил қилиш унинг миқдори меъёр кўрсаткичларига нисбатан 1,3; 1,5 ва 1,7 марта ишонарли ошишини кўрсатди.

ЭТ-1 ва томирларнинг ўсиш омили миқдорини эндометрийнинг гисто-логик маназараси билан таққослаш ЭТ-1 миқдори назорат кўрсаткичлари доирасида сақланишини ва кўп қаватли ясси эпителийнинг ўртача пролифе-рацияси билан беморларда VEGF миқдори ошиши тенденциясини кўрсатди. ОПВ инфекциясининг морфологик белгилари

мавжуд беморларда мазкур кўрсаткичлар ишонарли ошди. CIN II ва, айниқса, CIN III бўлган аёлларда ЭТ-1 ва VEGF миқдори кескин ошди ва бу ангиогенезнинг кескин фаоллашуви, кенгайган капиллярларнинг эндометрий юзасига яқин жойлашиши билан тўғри келди. ЭГЖ ММРнинг ошиши ва уларнинг тўқима ингибиторлари камайиши билан кечди.


